## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI

## B U Y R U Q

2021-yil 22-noyabr Toshkent viloyati 266-sonli

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-20-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-20-сон қарорида берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича назорат режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Тешаев, вазир ўринбосарлари Ш.Мирзаев, М.Рузметов, Қ.Юлдашев, А.Асамов, А.Тўраев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сон қарорида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига берилган топшириқларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши юзасидан барча зарурий чораларни кўрсин;

вазирликнинг бош бошқармалари, бошқарма ва мустақил бўлимлари, тизим ташкилотлари ва муассасалар ҳамда ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари мазкур буйруқ билан тасдиқланган Назорат режасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

4. Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метрология бош бошқармаси (А.Жўраев) назорат режа бажарилиши бўйича мунтазам мониторинг юритилишини таъминласин, унинг ўз муддатида ва тўлиқ ижро этилишини назоратга олсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XOʻJALIGI DEVONXONA **Ж.Ходжаев**

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
2021 йил “22” ноябрдаги 266-сонли
буйруғига илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-20-сон қарорида берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича**

**НАЗОРАТ РЕЖАСИ**

| Т/р | Қарор банди ва топшириқлар мазмуни | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | **1-банд.** Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларининг:<br>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалладан қисқартирилган **200 минг гектар** экин майдонларини 2022-2025 йилларда 1-1.13-иловаларга мувофиқ босқичма-босқич захирага қайтариш;<br>**1.2-банд.** Захирага қайтарилган ер майдонларини деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш **учун фуқароларга 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда** очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин. | 2022-2025 йиллар давомида | Вазирнинг биринчи ўринбосари (Ш.Тешаев),<br>Вазир ўринбосари (М.Рузметов),<br>Вазир ўринбосари (А.Асамов),<br>Вазир ўринбосари (А.Тўраев),<br>Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар Қишлоқ хўжалиги бошқармалари,<br>Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехнологияси бош бошқармаси (З.Артиқов), |

| Т/р | Қарор банди ва топшириқлар мазмуни | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | | | Мева-сабзавотчилик, узумчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантириш бошқармаси (Ф.Қиргизбоев),<br>Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метрология бош бошқармаси (А.Жўраев) |
| 2. | **3-банд.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ва Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) билан биргаликда:<br>2021 йил 31 декабрга қадар Туманлар (шаҳарлар) ҳисобидаги бўш турган ва захирадаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;<br>мазкур қарорнинг 1-1.13-иловаларида кўрсатилган ер майдонларини **тегишли йилдаги ҳосил йиғиб олингандан кейин** туман (шаҳар) ҳокимликларининг захирасига белгиланган тартибда қайтарилиши ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;<br>захирага олинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ҳокимликлари буюртмасига асосан амалга оширилишини ҳамда туман (шаҳар) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини;<br>давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдонларининг 0,10 гектардан 1,0 гектаргача бўлган ҳажмларда лотларга ажратилиб, бир ой ичида очиқ электрон танловга қуйилишини таъминласин.<br>Мазкур топшириқ ижросини ўз вақтида таъминламаган туман (шаҳар) ҳокимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши | 2021 йил 31 декабрга қадар | Вазир ўринбосари (М.Рузметов),<br>Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метрология бош бошқармаси (А.Жўраев),<br>“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти (Р.Тўраев) |

| Т/р | Қарор банди ва топшириқлар мазмуни | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | ҳақида огоҳлантирилиши тўғрисида жойларга етказсин. | | |
| 3. | **5-банд.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Ҳ.Шерматов) билан бирга бир ой муддатда “E-IJARA” ахборот тизимини ишга туширсин. | 2021 йил 23 декабрь | Вазир ўринбосари (Қ.Юлдашев),<br>Вазир ўринбосари (М.Рузметов),<br>Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси (Т.Машанпин),<br>“Агросаноатни рақамлаштириш маркази” ДМ (С.Алимов),<br>“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти (Р.Тўраев),<br>Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метрология бош бошқармаси (А.Жўраев) |
| 4. | **6-банд.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) билан бирга бир ҳафта муддатда 2-иловада кўрсатилган вазирлик ва идоралар ўртасида тегишли маълумотларни алмашиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. | 2021 йил 30 ноябрь | Вазир ўринбосари (Қ.Юлдашев),<br>Вазир ўринбосари (М.Рузметов),<br>Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси (Т.Машанпин) |

| Т/р | Қарор банди ва топшириқлар мазмуни | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | | | “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” ДМ (С.Алимов),<br>Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метрология бош бошқармаси (А.Жўраев) |
| 5. | **7-банд.** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:<br>Ер участкалари ажратилган деҳқон хўжаликлари томонидан боғ ва экинларнинг ўз муддатида экилиши ва парвариш қилинишига кўмаклашиш бўйича ишларни **манзилли ташкил этиш**;<br>ажратилган ер майдонларининг тупроқ шароити, ер балл бонитети, сув билан таъминланганлик даражаси, ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “**Бир ҳудуд – бир маҳсулот**” тамойили асосида маҳсулот етиштиришга асосий эътибор қаратиш;<br>ер майдонларида зарур агротехник тадбирларни бажариш, ўғит ва сув билан таъминлаш, инфратузилма объектларини яратиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;<br>ер майдонларида зараркунандалар ҳамда касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувларни ташкил этиб, деҳқон хўжаликларига боғ ва экинларни ҳимоя қилиш ишларини ўз вақтида бажаришда амалий ёрдам кўрсатиш;<br>деҳқон хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналари (кейинги ўринларда – тадбиркорлик субъектлари) ўртасида кооперация алоқаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш; | 2022-2025 йиллар давомида | Вазирнинг биринчи ўринбосари (Ш.Тешаев),<br>Вазир ўринбосари (М.Рузметов),<br>Вазир ўринбосари (А.Асамов),<br>Вазир ўринбосари (А.Тўраев),<br>Мева-сабзавотчилик, узумчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантириш бошқармаси (Ф.Қиргизбоев),<br>Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бошқармаси (О.Пирмонов),<br>“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДУК (Ш.Мамажанов),<br>Ўсимликларни ҳимоя қилиш |

| Т/р | Қарор банди ва топшириқлар мазмуни | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | деҳқон хўжаликлари ва улар билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектлари ўртасида уруғлик, кўчат, минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш, зарурий агротехник хизматлар кўрсатиш ишларини ташкил этишда шартномавий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш;<br>қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган кичик агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин. | | ва агрокимё бошқармаси (С.Пирнапасов),<br>Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехнологияси бош бошқармаси (З.Артиқов),<br>Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиявий ва шартномавий муносабатларни ривожлантириш бош бошқармаси (И.Жўраев),<br>Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метрология бош бошқармаси (А.Жўраев) |
| 6. | **8-банд.** Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарзнинг **100 миллион АҚШ доллари эквиваленти** миқдоридаги маблағларни тижорат банкларига миллий валютада 3 йил имтиёзли давр билан 10 йил муддатга йиллик 10 фоиз ставкада жойлаштирсин.<br>Белгилаб қўйилсинки, Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига жойлаштирилган маблағлар мазкур қарорга асосан деҳқон хўжаликларига ажратиладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида | 2022 йил ва келгуси йиллар давомида | Вазир ўринбосари (Ш.Мирзаев),<br>Вазир маслаҳатчиси (А.Шукуров),<br>Инвестицияларни жалб қилиш ва мониторинг бош бошқармаси (Ғ.Ғаниев), |

| Т/р | Қарор банди ва топшириқлар мазмуни | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | қабул қилинади. | | Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиявий ва шартномавий муносабатларни ривожлантириш бош бошқармаси (И.Жўраев) |
| 7. | **12-банд.** Республика ишчи гуруҳи (Ж.А.Ходжаев), Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:<br>йигирма кун муддатда ҳар бир ҳудуд учун камида 10 тадан малакали тренер-консультантларни тайёрлаш бўйича дастур ва уларни танлаб олиш бўйича талабларни ишлаб чиқсин;<br>бир ой муддатда деҳқон хўжаликлари учун **қисқа муддатли интенсив ўқув курсларини** ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ва ҳар бир туманларда режа-график асосида ушбу ўқув курсларнинг ташкил этилишини таъминласин;<br>қишлоқ хўжалигидаги янги илмий ёндашувлар, мавжуд халқаро тажриба ва деҳқон хўжаликларининг фаолиятини ўрганиш натижасида аниқланаётган масалаларни инобатга олган ҳолда уларга яқиндан, шу жумладан Интернет тармоғи орқали **доимий тарзда маслаҳат бериб бориш** тизимини йўлга қўйсин. | 2021 йил 13 декабрь<br><br>2021 йил 23 декабрь<br><br>доимий | Вазир ўринбосари (А.Тўраев),<br>Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги (Ҳ.Каримов) |
| 8. | **16-банд.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Х.Қўлдошев) билан бирга Ҳудудларга чиққан ҳолда деҳқон хўжаликларига ажратилаётган ерларга табиий ва техноген офатлар эҳтимолий таъсирларни аниқлаш ҳамда ушбу таъсирларни юмшатиш юзасидан фавқулодда ҳаракатлар режасини тасдиқласин ҳамда фавқулодда ҳолатларда экинларни ҳимоя қилиш чораларини кўрсин. | доимий | Вазирнинг биринчи ўринбосари (Ш.Тешаев),<br>Вазир ўринбосари (М.Рузметов),<br>Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехнологияси |

| Т/р | Қарор банди ва топшириқлар мазмуни | Ижро муддати | Масъуллар |
| --- | --- | --- | --- |
| | | | бош бошқармаси (З.Артиқов),<br>Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метрология бош бошқармаси (А.Жўраев),<br>Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиявий ва шартномавий муносабатларни ривожлантириш бош бошқармаси (И.Жўраев) |
| 9. | **17-банд.** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:<br>Ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгилаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш;<br>ҳудудларда деҳқон хўжаликлари томонидан ўзи етиштирган маҳсулотини қайта ишлаш истагида бўлган оилаларга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошқа ускуналарнинг тақдимотларини ўтказиш ва сотиб олишга кўмаклашиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин. | доимий равишда<br>ҳар ойда | Вазир ўринбосари (А.Асамов),<br>Тўғридан-тўғри инвестициялар, ташқи ва ички савдо бошқармаси (Ш.Толипов)<br>“Агросаноатни рақамлаштириш маркази” ДМ (С.Алимов),<br>Вазирнинг матбуот котиби (Н.Ходжаева),<br>Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бошқармаси (О.Пирмонов) |

| Т/р | Қарор банди ва топшириқлар мазмуни | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 10. | **19.1-банд.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) икки ой муддатда:<br>Очиқ электрон танлов асосида ажратилган ерларда **амалга ошириладиган лойиҳаларни комплекс мониторинг қилиш,** шу жумладан ажратилган ер майдонининг ҳолати, зарур агротехник тадбирлар, экинларни ҳимоя қилиш ва ўғитлаш ишларининг ўтказилиши, маҳаллий ҳокимлик томонидан зарур инфратузилма билан таъминланганлиги, ер балл бонитети, экиладиган маҳсулотнинг униб чиқиши, ҳосилдорлик, табиат омиллари таъсири ва бошқа индикаторларга асосан ижарачиларни таснифлаш (“яхши”, “ўрта”, “ёмон”) тартибини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. | 2022 йил 23 январь | Вазир ўринбосари (М.Рузметов),<br>Ер тузиш ва ер муносабатларини тартибга солиш бошқармаси (О.Соатов),<br>Қишлоқ хўжалиги экинлари ва ерларини мониторинг қилиш бошқармаси (А.Эргашев) |
| 11. | **19.2-банд.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) икки ой муддатда:<br>Қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин. | 2022 йил 23 январь | Юридик бошқарма (А.Худаяров) |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**
**ХУЖЖАТЛАР ТАҚСИМОТ ВАРАҚАСИ**

Ўзбекистон Президентининг 2021-йил 23 ноябрдаги АҚ-20-сон қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида

(хужжатнинг номи)

2021 йил "24" ноябр 266-сон

| Т/Р | Кимга ва каерга | Нусха сони | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1 | **ВАЗИР** | | |
| 2 | Вазир ёрдамчиси | | |
| 3 | Вазирнинг матбуот котиби | | |
| 4 | Вазирнинг ижроия аппарати | | |
| 5 | Ижро интизоми бўлими | | |
| 6 | Ииғма-ахборот хизмати | | |
| 7 | Протокол хизмати | | |
| 8 | Девонхона | | |
| 9 | Юридик бошқарма | ✓ | |
| 10 | Ходимлар билан ишлаш бошқармаси | | |
| 11 | Ходимларни танлаш ва баҳолаш бўлими | | |
| 12 | Меҳнат муносабатлари ва ходимлар хисобини юритиш бўлими | | |
| 13 | Молиялаштириш, бухгалтерия хисоби ва хисоботи бошқапмаси | | |
| 14 | Молия-режа бўлими | | |
| 15 | Бухгалтерия хисоби ва хисоботи шуъбаси | | |
| 16 | Статистик таҳлил бошқармаси | | |
| 17 | Ички аудит ва комплаенс назорат бошқармаси | | |
| 18 | Ички аудит бўлими | | |
| 19 | Комплаенс назорат бўлими | | |
| 20 | Ишлар бошқармаси | | |
| 21 | Махсус бўлим | | |
| 22 | Мурожаатлар билан ишлаш бўлими | | |
| 23 | Кишлок хўжалиги ерларини мухофаза килиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси | | |
| 24 | **II-ВАЗИРНИНГ БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ** | ✓ | |
| 25 | Пахтачилик бошқармаси | ✓ | |
| 26 | Ғаллачилик бошқармаси | ✓ | |
| 27 | Усимликларни химоя килиш ва агрокимё бошқармаси | ✓ | |
| 28 | Доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бошқармаси | | |
| 29 | Кишлок хўжалигини механизациялаш ва техник модернизациялаш бошқармаси | | |
| 30 | Техник, дуккакли дон ва мойли экинларни хамда чорвачиликнинг озука базасини ривожлантириш бошқармаси | ✓ | |
| 31 | III-ВАЗИР УРИНБОСАРИ | ✓ | |
| 32 | Аграр сохада раками технологияларни ривожлантириш бошқармаси | | |
| 33 | "Электрон хукумат" тизимини жорий этиш бўлими | | |
| 34 | Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси | ✓ | |
| 35 | Ер ахборот базасини яратиш бўлими | | |
| 36 | *IV-ВАЗИР УРИНБОСАРИ* | | |
| 37 | Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш, молиявий ва шартномавий муносабатларни ривожлантириш бош бошкармаси | ✓ | |
| 38 | Давлат томонидан қўллаб-кувватлаш бошкапмаси | | |
| 39 | Молиявий ва шартномавий муносабатларни ривожлантириш бошқармаси | | |
| 40 | Аграр тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси | | |
| 41 | **V-ВАЗИР УРИНБОСАРИ - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИ** | | |
| 42 | Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини ривожлантириш бошқармаси | | |
| 43 | VI-ВАЗИР УРИНБОСАРИ | ✓ | |
| 44 | Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метрология бош бошқармаси | | |
| 45 | Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бошқармаси | ✓ | |
| 46 | Қишлоқ хўжалиги экинларини окилона жойлаштириш бўлими | | |
| 47 | Қишлоқ хўжалиги экинлари ва ерларини мониторинг килиш бошқармаси | ✓ | |
| 48 | **Қишлоқ хўжалиги экинларининг сувга бўлган талабини аниклаш ва метеорология бўлими** | ✓ | |
| 49 | Ер тузиш ва ер муносабатларини тартибга солиш бошқармаси | ✓ | |
| 50 | **VII-ВАЗИР УРИНБОСАРИ - ОЗИК-ОВКАТ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ** | ✓ | |
| 51 | Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси | | |
| 52 | Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бошқармаси | ✓ | |
| 53 | Агрологистик марказларни ташкил этиш ва инфратузилмани ривожлантириш бошқармаси | | |
| 54 | Мева сабзавотчилик, узумчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантириш бошқармаси | ✓ | |
| 55 | Боғдорчилик ва узумчилик бўлими | | |
| 56 | Сабзавотчилик, картошкачилик ва полизчилик бўлими | | |
| 57 | Органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантириш бошқармаси | | |
| 58 | Инвестицияларни жалб қилиш ва мониторинг бош бошқармаси Халқаро молия институтлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси | ✓ | |
| 59 | Тўғридан тўғри инвестициялар, ташқи ва ички савдо бошқармаси | | |
| 60 | **VIII-ВАЗИРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИСИ** | | |
| 61 | **IX-ВАЗИРНИНГ ИҚТИСОД, ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИСИ** | | |
| 62 | Стратегик ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бош бошқармаси | | |
| 63 | Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бошқармаси | | |
| 64 | Халқаро алоқалар бошқармаси | | |
| 65 | Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 66 | **ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАР** | | |
| 67 | Агросаноатни рақамлаштириш маркази | ✓ | |
| 68 | Тошкент давлат аграр университети | | |
| 69 | "Қишлоқ хўжалигини стандартлаштириш маркази" давлат унитар корхонаси | | |
| 70 | "Маъмурий-хўжалик хизмати" давлат муассасаси | | |
| 71 | Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази | | |
| 72 | Вазирлик Касаба уюшмаси | | |
| 73 | Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази | | |
| 74 | Уруғчиликни ривожлантириш маркази | ✓ | |
| 75 | Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигин ривожлантириш агентлиги | ✓ | |
| 76 | Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази | | |
| 77 | Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳамидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги | | |
| 78 | "Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларни синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш бўйича давлат комиссияси ишчи органи" давлат унитар корхонаси | | |
| 79 | Тупроқ таркиби ва репозиторийси сифат таҳлилий маркази | | |
| 80 | "Ўздаверлойиҳа" давлат илмий-лойиҳалаш институти | ✓ | |

**Тақсимотни тузди:** Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бош бошқармаси А.Махаммадиев

2021 йил "24" ноябр

______нусхада

(имзо)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING

# QARORI

2021 yil «23» ноябрь № ПҚ–20

## Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда етиштирилаётган **80 турдан** ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг **66 та** мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми **2016** йилдан **2021** йилга қадар қарийб **2 баробарга** ошган.

Шу билан бирга, пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда қўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмоқда.

Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра **1 гектар** майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан **узумдан 7 баравар**, **гилосдан 6 баравар**, **ёнғоқдан 5 баравар** кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали **"Темир дафтар"**, **"Аёллар дафтари"** ва **"Ёшлар дафтари"**да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият мавжуд.



Аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалладан қисқартирилган **200 минг гектар** экин майдонларини 2022–2025 йилларда 1–1.13-иловаларга мувофиқ босқичма-босқич захирага қайтариш;

захирага қайтарилган ер майдонларини деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш **учун фуқароларга 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда** очиқ электрон танлов орқали 10 йилга ижарага бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш, уларни ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш **"E-IJARA" ахборот тизими** орқали амалга оширилади;

қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари **"E-AUKSION" электрон савдо платформасида** очиқ электрон танлов ўтказиш орқали ижарага берилади, бундан Ер кодексига мувофиқ ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан ижарага бериш ҳоллари мустасно;

деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танлов орқали ижарага беришда ўз томорқасида мева-сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини етиштириш ва узумчиликда **яхши натижаларга эришган,** ушбу соҳалардан бирида **таянч мутахассисликка** эга бўлган фуқароларга, **"Темир дафтар"**, **"Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да** рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга алоҳида устуворлик берилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ва Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) билан биргаликда:

2021 йил 31 декабрга қадар туманлар (шаҳарлар) ҳисобидаги бўш турган ва захирадаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

мазкур қарорга 1–1.13-иловаларда кўрсатилган ер майдонлари **тегишли йилдаги ҳосил йиғиб олингандан кейин** туман (шаҳар) ҳокимликларининг захирасига белгиланган тартибда қайтарилиши ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

захирага олинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ҳокимликлари буюртмасига асосан амалга оширилишини ҳамда туман (шаҳар) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини;

давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдонларининг 0,10 гектардан 1,0 гектаргача бўлган ҳажмларда лотларга ажратилиб, бир ой ичида очиқ электрон танловга қўйилишини;

ер тўғрисидаги қонунчилик ва ижара шартномаси талаблари бажарилмаганда, жумладан ижарага берилган ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда ерга бўлган ҳуқуқ Ер кодекси ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга асосан бекор қилиниши ҳақида деҳқон хўжаликлари орасида тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин.

Мазкур топшириқ ижросини ўз вақтида таъминламаган туман (шаҳар) ҳокимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;

Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Ҳ.Шерматов) билан биргаликда бир ой муддатда “E-IJARA” ахборот тизимини ишга туширсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) “E-AUKSION” электрон савдо платформасида очиқ электрон танловларни ташкил этиш учун зарур техник имкониятларни яратсин.



6. “E-IJARA” ахборот тизимига интеграция қилиш орқали идораларaро электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйиладиган вазирлик ва идоралар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган вазирлик ва идоралар ўртасида тегишли маълумотларни алмашиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:

ер участкалари ажратилган деҳқон хўжаликлари томонидан боғ ва экинларнинг ўз муддатида экилиши ва парвариш қилинишига кўмаклашиш бўйича ишларни **манзилли ташкил этсин**;

ажратилган ер майдонларининг тупроқ шароити, ер балл бонитети, сув билан таъминланганлик даражаси, ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “**Бир ҳудуд – бир маҳсулот**” тамойили асосида маҳсулот етиштиришга асосий эътибор қаратсин;

ер майдонларида зарур агротехник тадбирларни бажариш, уруғ ва сув билан таъминлаш, инфратузилма объектларини яратиш учун зарур шарт-шароитларни яратсин;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И.К.Эргашев) билан биргаликда ер майдонларида зараркунандалар ҳамда касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувларни ташкил этиб, деҳқон хўжаликларига боғ ва экинларни ҳимоя қилиш ишларини ўз вақтида бажаришда амалий ёрдам кўрсатсин;

деҳқон хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар (кейинги ўринларда – тадбиркорлик субъектлари) ўртасида кооперация алоқаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсин;

деҳқон хўжаликлари ва улар билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектлари ўртасида уруғлик, кўчат, минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш, зарурий агротехник хизматлар кўрсатиш ишларини ташкил этишда шартномавий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашсин;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган кичик агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда Халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарзнинг **100 миллион АҚШ доллари эквиваленти** миқдоридаги маблағларни тижорат банкларига миллий валютада 3 йил имтиёзли давр билан 10 йил муддатга йиллик 10 фоиз ставкада жойлаштирсин.

Белгилаб қўйилсинки, тижорат банкларига жойлаштирилган маблағлар мазкур қарорга асосан ажратиладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

9. Кредит маблағлари "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури шартлари асосида тижорат банклари томонидан **деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бошқа корхоналарга** ер майдонида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликни ривожлантириш, полиз, дуккакли, мойли экинлар ва картошка етиштириш учун қуйидаги шартларда тақдим этилиши белгилансин:

ҳар бир лойиҳа миллий валютада 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда йиллик 14 фоиз ставкада молиялаштирилади;

кредитлар **кичик интенсив боғдорчилик ва узумчиликка** 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилдан кўп бўлмаган муддатга, **полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликка** 6 ойгача имтиёзли давр билан 2 йилгача муддатга ажратилади;

кредит таъминоти сифатида кредитнинг қайтмаслик хатаридан суғурта қилиш полиси тақдим этилади;

кредитлар деҳқон хўжаликларига янги жорий этилаётган ҳоким ёрдамчиларининг ёзма тавсиясига асосан ажратилади.

10. Белгилансинки, мазкур қарорга асосан **ажратиладиган кредит маблағлари** унинг белгиланган умумий миқдори (100 миллион сўм) доирасида кредит олувчилар томонидан ўз бизнес-режалари асосида, шу жумладан:

ижарага олинган ёки ўз эгалигида бўлган ер майдонида мазкур қарор билан белгиланган йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Агросервис оператор" ДУК ёки бошқа салоҳиятли ихтисослашган ташкилот билан тузилган шартномаларга мувофиқ **"тайёр ҳолда" топшириш** тамойили асосида бажарилган ишларга ҳақ тўлаш учун;



кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликда **сув тежайдиган технологияларни** жорий қилиш, сифатли кўчатлар, уруғликлар, минерал ўғитлар, кимёвий ва биологик препаратлар, қишлоқ хўжалиги техникалари (экиш сеялкалари, ишлов бериш ва йиғиб олиш агрегатлари) харид қилиш учун;

олинган кредитнинг қайтмаслик хатаридан суғурта қилиш бўйича **суғурта мукофоти** тўловини амалга ошириш учун фойдаланилиши мумкин.

11. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) тижорат банкларига "E-AUKSION" ахборот тизими орқали ижарага берилган ер майдони, танлов ғолибининг лойиҳа бўйича олган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун техник имкониятлар яратилишини таъминласин.

12. **Деҳқон хўжаликлари учун қисқа муддатли интенсив ўқув курсларини ташкил этиш бўйича республика ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда – Республика ишчи гуруҳи) тузилсин ва унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик йўналишларида, шунингдек, очиқ электрон танловда иштирок этиш бўйича малакали тренер-консультантларни тайёрлаб, улар ёрдамида деҳқон хўжаликлари учун қисқа муддатли интенсив ўқув курсларини ташкил этиш Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Республика ишчи гуруҳи (Ж.А.Ходжаев) Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

йигирма кун муддатда ҳар бир ҳудуд учун камида 10 нафардан малакали тренер-консультантларни тайёрлаш бўйича дастур ва уларни танлаб олишга доир талабларни ишлаб чиқсин;

бир ой муддатда деҳқон хўжаликлари учун **қисқа муддатли интенсив ўқув курсларини** ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ва ҳар бир туманда режа-график асосида ушбу ўқув курсларининг ташкил этилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалигидаги янги илмий ёндашувлар, мавжуд халқаро тажриба ва деҳқон хўжаликларининг фаолиятини ўрганиш натижасида аниқланаётган масалаларни инобатга олган ҳолда, уларга яқиндан, шу жумладан Интернет тармоғи орқали **доимий тарзда маслаҳат бериб бориш** тизимини йўлга қўйсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги "Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–5200-сон қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган узумчиликни ривожлантириш бўйича доимий лойиҳа офислари **Интенсив боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича доимий лойиҳа офислари** (кейинги ўринларда – лойиҳа офислари) деб қайта номлансин.

Белгилансинки:

лойиҳа офисларининг боғдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича фаолияти **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги** томонидан бошқарилади;

ҳар бир лойиҳа офисига Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан боғдорчилик ва сабзавотчилик ривожланган давлатлардан малакали мутахассислар жалб қилинади.

Лойиҳа офисларига **қуйидаги қўшимча вазифалар** юклатилсин:

интенсив усулда, шу жумладан кластер ва кооперация усулида боғлар, сабзавотчилик майдонларини ташкил этиш;

ажратилаётган ер майдонларида ташаббускорлар томонидан интенсив боғлар, сабзавотчилик майдонлари барпо этилишини мониторинг қилиш ҳамда кўчатларни экиш бўйича тавсиялар бериш;

интенсив боғлар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлаш, уларнинг очиқ электрон танловга чиқарилишини ташкил этиш;

интенсив боғлар ва сабзавотчилик майдонларига кўчатлар, минерал ўғитлар етказиб бериш, агрохизматлар кўрсатиш, маҳсулотни сотишни ташкил этишга кўмаклашиш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда мавжуд штатлар доирасида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бўлимларини очиш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) янги жорий этилаётган ҳоким ёрдамчилари билан бирга мазкур қарор доирасида ажратилган ер участкалари, кредит ресурслари ҳисобига доимий ва барқарор даромад манбаига эга бўлган фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишда кўмаклашсин.



15. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) суғурта компаниялари ва тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда:

қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро суғурта амалиётидан келиб чиқиб, суғурта ташкилоти томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича кредит қайтмаслик хатарини келтириб чиқарувчи барча иқтисодий тенденциялар, бошқарув ва табиат таъсири билан боғлиқ омиллар қамраб олиниши, ушбу омилларни тўлиқ мониторинг қилиш ҳамда мазкур кредитлар бўйича **суғурта ҳодисаси рўй берганда тижорат банкларининг биринчи талабига мувофиқ** мавжуд қарздорлик (жумладан, ҳосил олинмаган давр учун мавсумий қарздорлик) тўлаб берилишини назарда тутувчи соддалаштирилган тартибни;

мазкур қарор билан белгиланган йўналишларда ажратилган кредитлар бўйича суғурта қопламалари (товонлари) тўланиши натижасида уларнинг умумий миқдори суғурта компанияси ўз капиталининг муайян миқдоридан ошган тақдирда, суғурта компаниясининг зарарини Молия вазирлиги томонидан Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қоплаб бериш механизмини жорий этиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Х.Қўлдошев) билан биргаликда ҳудудларга чиққан ҳолда деҳқон хўжаликларига ажратилаётган ерларга табиий ва техноген офатларнинг эҳтимолий таъсирларини аниқлаш ҳамда ушбу таъсирларни юмшатиш юзасидан фавқулодда ҳаракатлар режасини тасдиқласин ҳамда фавқулодда ҳолатларда экинларни ҳимоя қилиш чораларини кўрсин.

17. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш.Кудратов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев):

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгилаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш;

ҳудудларда деҳқон хўжаликлари томонидан ўзи етиштирган маҳсулотини қайта ишлаш истагида бўлган оилаларга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошқа ускуналарнинг тақдимотларини ўтказиш ва сотиб олишга кўмаклашиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

18. Давлат статистика қўмитаси (Б.А.Бегалов) 2020 йилдан бошлаб "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга очиқ электрон танлов асосида ижарага берилган ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларнинг **расмий статистика ҳисоботларида** тўлиқ акс эттирилишини таъминласин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) икки ой муддатда:

очиқ электрон танлов асосида ажратилган ерларда **амалга ошириладиган лойиҳаларни комплекс мониторинг қилиш,** шу жумладан ажратилган ер майдонининг ҳолати, зарур агротехник тадбирлар, экинларни ҳимоя қилиш ва ўғитлаш ишларининг ўтказилиши, маҳаллий ҳокимлик томонидан зарур инфратузилма билан таъминланганлиги, ер балл бонитети, экиладиган маҳсулотнинг униб чиқиши, ҳосилдорлик, табиат омиллари таъсири ва бошқа индикаторларга асосан ижарачиларни таснифлаш ("яхши", "ўрта", "ёмон") тартибини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги қарор лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, молия вазири Т.А.Ишметов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.И.Норқулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI KANSELYARIYA 1

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Ҳудудлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 20 280 | 8 110 | 5 230 | 3 955 | 2 985 |
| 2. | Андижон вилояти | 5 858 | 2 343 | 1 560 | 1 143 | 812 |
| 3. | Бухоро вилояти | 14 950 | 5 979 | 3 690 | 2 916 | 2 365 |
| 4. | Жиззах вилояти | 18 070 | 7 226 | 4 756 | 3 524 | 2 564 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 25 590 | 10 234 | 6 452 | 4 991 | 3 913 |
| 6. | Навоий вилояти | 19 560 | 7 823 | 5 109 | 3 814 | 2 814 |
| 7. | Наманган вилояти | 11 100 | 4 439 | 2 865 | 2 165 | 1 631 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 15 760 | 6 303 | 4 311 | 3 073 | 2 073 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 14 620 | 5 847 | 4 072 | 2 851 | 1 850 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 16 660 | 6 663 | 4 500 | 3 249 | 2 248 |
| 11. | Тошкент вилояти | 13 830 | 5 531 | 3 904 | 2 698 | 1 697 |
| 12. | Фарғона вилояти | 12 160 | 4 863 | 3 555 | 2 371 | 1 371 |
| 13. | Хоразм вилояти | 11 600 | 4 639 | 3 437 | 2 262 | 1 262 |
| | **Жами** | **200 038** | **80 000** | **53 441** | **39 012** | **27 585** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Амударё | 2 242 | 897,0 | 578,0 | 437,0 | 330,0 |
| 2. | Беруний | 2 151 | 860,0 | 555,0 | 419,0 | 317,0 |
| 3. | Бўзатов | 56 | 22,0 | 14,0 | 11,0 | 9,0 |
| 4. | Кегейли | 1 086 | 434,0 | 280,0 | 212,0 | 160,0 |
| 5. | Мўйноқ | 1 186 | 474,0 | 306,0 | 231,0 | 175,0 |
| 6. | Нукус | 1 499 | 600,0 | 386,0 | 292,0 | 221,0 |
| 7. | Тахтакўпир | 1 127 | 451,0 | 291,0 | 220,0 | 165,0 |
| 8. | Тўрткўл | 181 | 72,0 | 47,0 | 35,0 | 27,0 |
| 9. | Тахиатош | 1 408 | 563,0 | 363,0 | 277,0 | 205,0 |
| 10. | Хўжайли | 321 | 128,0 | 83,0 | 63,0 | 47,0 |
| 11. | Чимбой | 1 100 | 440,0 | 284,0 | 215,0 | 161,0 |
| 12. | Шуманай | 2 738 | 1095,0 | 706,0 | 534,0 | 403,0 |
| 13. | Элликқалъа | 1 071 | 428,0 | 276,0 | 209,0 | 158,0 |
| 14. | Қонликўл | 1 106 | 442,0 | 285,0 | 216,0 | 163,0 |
| 15. | Қораўзак | 1 024 | 410,0 | 264,0 | 200,0 | 150,0 |
| 16. | Қўнғирот | 1 984 | 794,0 | 512,0 | 384,0 | 294,0 |
| | **Жами** | **20 280** | **8 110** | **5 230** | **3 955** | **2 985** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.2-илова

**Андижон вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Андижон | 340 | 136 | 88 | 66 | 50 |
| 2. | Асака | 400 | 160 | 106 | 78 | 56 |
| 3. | Балиқчи | 700 | 280 | 186 | 137 | 97 |
| 4. | Бўстон | 310 | 124 | 83 | 61 | 42 |
| 5. | Булоқбоши | 98 | 39 | 26 | 19 | 14 |
| 6. | Жалақудуқ | 390 | 156 | 104 | 76 | 54 |
| 7. | Избоскан | 830 | 332 | 221 | 162 | 115 |
| 8. | Марҳамат | 800 | 320 | 213 | 156 | 111 |
| 9. | Олтинкўл | 284 | 114 | 76 | 56 | 38 |
| 10. | Пахтаобод | 300 | 120 | 80 | 59 | 41 |
| 11. | Улуғнор | 420 | 168 | 112 | 82 | 58 |
| 12. | Хўжаобод | 170 | 68 | 46 | 33 | 23 |
| 13. | Шаҳрихон | 530 | 212 | 142 | 103 | 73 |
| 14. | Қўрғонтепа | 286 | 114 | 77 | 55 | 40 |
| | **Жами** | **5 858** | **2 343** | **1 560** | **1 143** | **812** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.3-илова

**Бухоро вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туман (шаҳар)лар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Бухоро | 1 424 | 569 | 350 | 278 | 227 |
| 2. | Вобкент | 1 426 | 570 | 349 | 278 | 229 |
| 3. | Жондор | 1 491 | 596 | 370 | 291 | 234 |
| 4. | Когон | 934 | 374 | 221 | 182 | 157 |
| 5. | Олот | 1 631 | 652 | 390 | 318 | 271 |
| 6. | Пешкў | 561 | 224 | 140 | 109 | 88 |
| 7. | Ромитан | 1 285 | 514 | 320 | 251 | 200 |
| 8. | Шофиркон | 1 407 | 563 | 350 | 274 | 220 |
| 9. | Қоракўл | 1 467 | 587 | 370 | 286 | 224 |
| 10. | Қоровулбозор | 1 648 | 659 | 410 | 321 | 258 |
| 11. | Ғиждувон | 1 636 | 654 | 410 | 320 | 252 |
| 12. | Бухоро ш. | 40 | 17 | 10 | 8 | 5 |
| | **Жами** | **14 950** | **5 979** | **3 690** | **2 916** | **2 365** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.4-илова

**Жиззах вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Арнасой | 300 | 120 | 80 | 59 | 41 |
| 2. | Бахмал | 1 993 | 797 | 525 | 389 | 282 |
| 3. | Дўстлик | 2 050 | 820 | 545 | 400 | 285 |
| 4. | Зафаробод | 1 632 | 653 | 425 | 318 | 236 |
| 5. | Зомин | 2 250 | 900 | 590 | 439 | 321 |
| 6. | Зарбдор | 3 763 | 1 503 | 990 | 734 | 536 |
| 7. | Мирзачўл | 812 | 325 | 215 | 158 | 114 |
| 8. | Пахтакор | 371 | 148 | 98 | 72 | 53 |
| 9. | Фориш | 1 207 | 483 | 315 | 235 | 174 |
| 10. | Ш.Рашидов | 762 | 305 | 198 | 149 | 110 |
| 11. | Янгиобод | 890 | 356 | 235 | 174 | 125 |
| 12. | Ғаллаорол | 2 040 | 816 | 540 | 397 | 287 |
| | **Жами** | **18 070** | **7 226** | **4 756** | **3 524** | **2 564** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.5-илова

**Қашқадарё вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Косон | 1 362 | 545 | 340 | 266 | 211 |
| 2. | Китоб | 2 610 | 1 044 | 660 | 509 | 397 |
| 3. | Касби | 3 570 | 1 428 | 883 | 694 | 565 |
| 4. | Миришкор | 1 728 | 691 | 440 | 337 | 260 |
| 5. | Муборак | 1 300 | 520 | 335 | 254 | 191 |
| 6. | Нишон | 3 700 | 1 480 | 940 | 722 | 558 |
| 7. | Чироқчи | 1 400 | 560 | 361 | 273 | 206 |
| 8. | Шаҳрисабз | 3 200 | 1 280 | 800 | 624 | 496 |
| 9. | Яккабоғ | 2 900 | 1 160 | 720 | 567 | 453 |
| 10. | Қарши | 1 510 | 604 | 380 | 295 | 231 |
| 11. | Қамаши | 940 | 376 | 240 | 183 | 141 |
| 12. | Ғузор | 1 370 | 546 | 353 | 267 | 204 |
| | **Жами** | **25 590** | **10 234** | **6 452** | **4 991** | **3 913** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.6-илова

**Навоий вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Кармана | 2 325 | 930 | 605 | 453 | 337 |
| 2. | Конимех | 1 997 | 799 | 525 | 389 | 284 |
| 3. | Навбаҳор | 3 561 | 1 424 | 925 | 694 | 518 |
| 4. | Нурота | 5 312 | 2 124 | 1 388 | 1 037 | 763 |
| 5. | Хатирчи | 1 924 | 769 | 505 | 375 | 275 |
| 6. | Қизилтепа | 4 441 | 1 777 | 1 161 | 866 | 637 |
| | **Жами** | **19 560** | **7 823** | **5 109** | **3 814** | **2 814** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.7-илова

**Наманган вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Косонсой | 1 200 | 480 | 309 | 234 | 177 |
| 2. | Мингбулоқ | 500 | 200 | 129 | 98 | 73 |
| 3. | Наманган | 875 | 350 | 226 | 171 | 128 |
| 4. | Норин | 610 | 244 | 157 | 119 | 90 |
| 5. | Поп | 2 050 | 820 | 529 | 400 | 301 |
| 6. | Тўрақўрғон | 260 | 104 | 67 | 51 | 38 |
| 7. | Уйчи | 1 280 | 511 | 330 | 250 | 189 |
| 8. | Учқўрғон | 975 | 390 | 251 | 190 | 144 |
| 9. | Чортоқ | 450 | 180 | 116 | 88 | 66 |
| 10. | Чуст | 2 150 | 860 | 554 | 418 | 318 |
| 11. | Янгиқўрғон | 750 | 300 | 197 | 146 | 107 |
| | **Жами** | **11 100** | **4 439** | **2 865** | **2 165** | **1 631** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.8-илова

**Самарқанд вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Булунғур | 1 516 | 606 | 410 | 296 | 204 |
| 2. | Жомбой | 580 | 232 | 170 | 113 | 65 |
| 3. | Иштихон | 980 | 392 | 280 | 191 | 117 |
| 4. | Каттақўрғон | 1 410 | 564 | 380 | 275 | 191 |
| 5. | Нарпай | 1 408 | 564 | 380 | 275 | 189 |
| 6. | Нуробод | 462 | 185 | 140 | 90 | 47 |
| 7. | Оқдарё | 676 | 270 | 200 | 132 | 74 |
| 8. | Пайариқ | 1 906 | 762 | 510 | 372 | 262 |
| 9. | Пастдарғом | 2 612 | 1 044 | 700 | 509 | 359 |
| 10. | Пахтачи | 815 | 326 | 220 | 159 | 110 |
| 11. | Самарқанд | 447 | 179 | 120 | 87 | 61 |
| 12. | Тойлоқ | 694 | 278 | 190 | 135 | 91 |
| 13. | Ургут | 1 783 | 713 | 481 | 347 | 242 |
| 14. | Қўшработ | 471 | 188 | 130 | 92 | 61 |
| | **Жами** | **15 760** | **6 303** | **4 311** | **3 073** | **2 073** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.9-илова

**Сурхондарё вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Ангор | 628 | 251 | 175 | 123 | 79 |
| 2. | Бандихон | 1 723 | 689 | 485 | 336 | 213 |
| 3. | Бойсун | 43 | 17 | 12 | 8 | 6 |
| 4. | Денов | 1 193 | 477 | 330 | 233 | 153 |
| 5. | Жарқўрғон | 1 047 | 419 | 300 | 204 | 124 |
| 6. | Музработ | 1 999 | 799 | 550 | 390 | 260 |
| 7. | Олтинсой | 904 | 366 | 260 | 176 | 102 |
| 8. | Сариосиё | 2 149 | 860 | 620 | 419 | 250 |
| 9. | Термиз | 518 | 207 | 154 | 101 | 56 |
| 10. | Узун | 567 | 227 | 150 | 111 | 79 |
| 11. | Шеробод | 535 | 214 | 145 | 104 | 72 |
| 12. | Шўрчи | 478 | 191 | 121 | 93 | 73 |
| 13. | Қизириқ | 2 036 | 810 | 540 | 397 | 289 |
| 14. | Қумқўрғон | 800 | 320 | 230 | 156 | 94 |
| | **Жами** | **14 620** | **5 847** | **4 072** | **2 851** | **1 850** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.10-илова

**Сирдарё вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Боёвут | 2 083 | 833 | 560 | 406 | 284 |
| 2. | Гулистон | 1 223 | 489 | 325 | 239 | 170 |
| 3. | Мирзаобод | 1 107 | 443 | 290 | 216 | 158 |
| 4. | Оқолтин | 3 915 | 1 566 | 1 100 | 763 | 486 |
| 5. | Сардоба | 2 768 | 1 107 | 740 | 540 | 381 |
| 6. | Сайхунобод | 1 930 | 772 | 520 | 376 | 262 |
| 7. | Сирдарё | 758 | 303 | 210 | 148 | 97 |
| 8. | Ховос | 2 876 | 1 150 | 755 | 561 | 410 |
| | **Жами** | **16 660** | **6 663** | **4 500** | **3 249** | **2 248** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.11-илова

**Тошкент вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Бекобод | 1 830 | 732 | 520 | 357 | 221 |
| 2. | Бўка | 1 339 | 536 | 390 | 261 | 152 |
| 3. | Бўстонлиқ | 497 | 200 | 150 | 97 | 50 |
| 4. | Зангиота | 489 | 196 | 150 | 95 | 48 |
| 5. | Оҳангарон | 1 440 | 576 | 414 | 281 | 169 |
| 6. | Оққўрғон | 506 | 202 | 135 | 99 | 70 |
| 7. | Паркент | 1 322 | 528 | 360 | 258 | 176 |
| 8. | Пискент | 900 | 360 | 260 | 176 | 104 |
| 9. | Тошкент | 446 | 178 | 125 | 87 | 56 |
| 10. | Чиноз | 906 | 362 | 260 | 177 | 107 |
| 11. | Юқоричирчиқ | 519 | 205 | 150 | 101 | 63 |
| 12. | Янгийўл | 962 | 385 | 260 | 187 | 130 |
| 13. | Ўртачирчиқ | 714 | 286 | 190 | 140 | 98 |
| 14. | Қибрай | 860 | 345 | 240 | 167 | 108 |
| 15. | Қуйичирчиқ | 1 100 | 440 | 300 | 215 | 145 |
| | **Жами** | **13 830** | **5 531** | **3 904** | **2 698** | **1 697** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.12-илова

**Фарғона вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туман (шаҳар)лар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Бағдод | 364 | 146 | 115 | 71 | 32 |
| 2. | Бешариқ | 100 | 40 | 30 | 20 | 10 |
| 3. | Бувайда | 878 | 351 | 260 | 171 | 96 |
| 4. | Данғара | 772 | 309 | 230 | 151 | 82 |
| 5. | Ёзёвон | 701 | 280 | 210 | 136 | 75 |
| 6. | Олтиариқ | 874 | 350 | 265 | 170 | 89 |
| 7. | Риштон | 705 | 281 | 220 | 137 | 67 |
| 8. | Сўх | 850 | 340 | 260 | 166 | 84 |
| 9. | Тошлоқ | 824 | 330 | 250 | 161 | 83 |
| 10. | Учкўприк | 750 | 300 | 215 | 146 | 89 |
| 11. | Фарғона | 803 | 321 | 235 | 157 | 90 |
| 12. | Фурқат | 491 | 196 | 150 | 96 | 49 |
| 13. | Ўзбекистон | 750 | 300 | 215 | 146 | 89 |
| 14. | Қува | 855 | 341 | 235 | 167 | 112 |
| 15. | Қўштепа | 866 | 346 | 235 | 169 | 116 |
| 16. | Фарғона ш. | 862 | 345 | 235 | 168 | 114 |
| 17. | Қувасой ш. | 715 | 287 | 195 | 139 | 94 |
| | **Жами** | **12 160** | **4 863** | **3 555** | **2 371** | **1 371** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
1.13-илова

**Хоразм вилояти туманларида фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан фуқароларга 0,25 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида бериладиган ер майдонларининг ҳажмлари**

| Т/р | Туманлар номи | Жами ер майдони, гектар | шундан, 2022–2025 йилларда | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 йилда | 2023 йилда | 2024 йилда | 2025 йилда |
| 1. | Боғот | 1 560 | 624 | 460 | 304 | 172 |
| 2. | Гурлан | 1 060 | 424 | 320 | 207 | 109 |
| 3. | Тупроққалъа | 1 400 | 560 | 410 | 273 | 157 |
| 4. | Урганч | 1 020 | 408 | 310 | 200 | 102 |
| 5. | Хазорасп | 970 | 388 | 290 | 190 | 102 |
| 6. | Хива | 1 270 | 508 | 365 | 245 | 152 |
| 7. | Хонқа | 890 | 356 | 320 | 174 | 40 |
| 8. | Шовот | 1 295 | 518 | 352 | 253 | 172 |
| 9. | Янгиариқ | 915 | 366 | 260 | 178 | 111 |
| 10. | Янгибозор | 830 | 331 | 230 | 162 | 107 |
| 11. | Қўшкўпир | 390 | 156 | 120 | 76 | 38 |
| **Жами** | | **11 600** | **4 639** | **3 437** | **2 262** | **1 262** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
2-илова

**“E-IJARA” ахборот тизимига интеграция қилиш орқали идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйиладиган вазирликлар ва идоралар**
**РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги

5. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги

6. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги

9. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги

11. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги

12. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси

15. Очиқ электрон танлов ўтказишда иштирок этадиган бошқа идоралар ва мансабдор шахслар – заруратга кўра

**Изоҳ:** *вазирликлар ва идоралар “E-IJARA” ахборот тизимига Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали белгиланган тартибда уланади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон қарорига
3-илова

**Деҳқон хўжаликлари учун қисқа муддатли интенсив ўқув курсларини ташкил этиш бўйича республика ишчи гуруҳи**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| Ж.А.Ходжаев | – | қишлоқ хўжалиги вазири, ***ишчи гуруҳ раҳбари*** |
| А.А.Хаитов | – | Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, ***ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*** |
| А.М.Тўраев | – | қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари – Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош директори, ***ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*** |
| *Лавозимига кўра* | – | Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори |
| Э.М.Мухитдинов | – | бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари |
| А.А.Раҳимов | – | Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисининг ўринбосари |
| Р.Ў.Маматқулов | – | "Агробанк" АТБ бошқаруви раиси |
| Р.М.Бобоев | – | Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги директори |
| *Лавозимига кўра* | – | Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг масъул ходими, ***ишчи гуруҳ масъул котиби*** |

Изоҳ: Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига янгидан тайинланган ёхуд тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1